



БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

БУГУНГИ ЁШЛАР КЕЧАГИ ЁШЛАР ЭМАС

УЛАРНИНГ ОНГИ, ДУНЁҚАРАШИ, ОРЗУ-ИСТАКЛАРИ, ТАЛАБЛАРИ ЎЗГАРДИ

Тараққиёт шиддати тобора ортиб, глобал таҳдидлар ва трансформация жараёни кучайиб бораётган бугунги мураккаб даврда давлатимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ёш авлодни муносиб тарбиялаш ва ёшларга оид сиёсатни самарали юритиш бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда ёшлар таълими, бандлиги, ижтимоий ҳолати, соғлиғи билан боғлиқ муаммоларни тизимли асосда ечиш, уларнинг камол топиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга катта эътибор қаратилиши замирида ҳам ана шу эҳтиёж мазмун-моҳияти мужассам.

БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига кўра, 2030 йилгача бутун дунёда ёшлар улуши етти фоиз ошиши kutilmoqda. Бу ёшлар масалаларига, уларни вояга етказиш билан боғлиқ муаммоларга эътиборни янада кучайтириш зарурлигини кўрсатади. Давлатимиз раҳбари 2017 йилдаёқ БМТ Бош Ассамблеясида ёшлар ҳуқуқлари бўйича конвенция қабул қилиш ташаббусини илгари суриш орқали давлатларни ёшлар тақдири ва келажаги борасида масъулиятни ўз зиммаларига олишга чақирганди.

Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, “Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатнинг тинчи ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир”.

Янги Ўзбекистон ўғил-қизларининг яхши тарбия топишидан етук кадр бўлишига қадар тизимли ишлар бажарилмоқда. Қувонарлиси, мамлакатимизнинг ёшлар сиёсати оид имижига тобора мустаҳкамланиб, ўзига хослиги билан халқро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлмоқда.

▶ Давоми 3-бетда



ДАХЛДОРЛИК



ХАЛҚИМИЗ ЭҲТИЁЖИ ВА ТАРАҚҚИЁТИГА МОС

ЁХУД АҲОЛИ ДАРОМАДИ ЎРТАЧАДАН ЮҚОРИ ДАВЛАТЛАР ҚАТОРИГА ҚАЧОН КИРАМИЗ?

Дунё харитасида бундан 32 йил муқаддам янги суверен ва мустақил давлат, кўп миллатли Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Шу кундан бошлаб халқимиз Ватани, тақдири ва келажагига эғалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Мустақил ривожланиш йўлига тушиб олди ва кенг қўламли ислохотлар қилиш имкониятига эришди.

Хусусан, яқин йиллардаги тараққиёт натижасида Ватанимизнинг маънавий-маърифий ҳаётида бутунлай янги давр бошланди. Бу вақт мобайнида барча соҳа ва тармоқларни юқори босқичга олиб чиқиш стратегияси ишлаб чиқилди ва изчил давом

этирилмоқда. Жумладан, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси том маънода халқимизнинг орзу-истакларини, ҳаётий эҳтиёж ва заруратлари ижобатига хизмат қилувчи дастуриал-мал улароқ вужудга келди.

▶ Давоми 5-бетда



ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

ҚИРҚ ТОЙЛИ ҚИШЛОҚ

Давлатимиз раҳбари жорий йил 27-28 июль кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Бағдод туманидаги “Хитой” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, қишлоқнинг меҳмондўст, меҳнаткаш, самимий одамлари билан суҳбатлашди, уларнинг бугунги қайноқ ҳаёти билан танишди. Бу ташриф қўхна қишлоққа янги ҳаёт нафасини олиб келди, одамларнинг кайфияти, руҳиятини кўтарди.

▶ Давоми 4-бетда



ОЧИҚ МУЛОҚОТ ОЛДИДАН



СТАНДАРТГА МУВОФИҚЛИК ТАДБИРКОРГА НИМА БЕРАДИ?

Жаҳон стандартлари доирасида фаолият юритиш, ички бозорни сифат ва хавфсизлик жиҳатдан тартибга солиш бир томондан иқтисодиёт ривожига, иккинчи томондан, уни турли ноқонуний махсулотлардан ҳимоя қилишга хизмат қилади. Бугунги кунда миллий сифат инфратузилмасини халқаро меъёрларга мослаштириш чора-тадбирларидан кўзланган мақсад ҳам шу.

▶ Давоми 2-бетда



ОБОД МАНЗИЛЛАР

ЛОЙИҲА МУКАММАЛ БЎЛСА, ИНШООТ МУСТАҲКАМ БЎЛАДИ

БУНИ ҚУРУВЧИЛАР ЯХШИ АНГЛАБ ЕТМОҒИ ЗАРУР

Қурилиш тармоғи Навоий кон-металлургия комбинати тизимида кенг ривожланаётган соҳалардан бири. Бугун НКМК қурувчилари қураётган иншоотлар комбинат равнақи, юрт тараққиёти, халқ фаровонлигига хизмат қилмоқда. Улар орасида бунёдкорларимизнинг ўз кучи билан инвестицион лойиҳалар асосида қураётган замонавий sanoat индустрияси, яъни гидрометаллургия заводлари, кон ва шахталар, темир йўллар, кўприк ва магистраллар, ижтимоий соҳа объектлари янги Ўзбекистоннинг меъморий қиёфасини янада мухташам этяпти.

▶ Давоми 4-бетда



МУЛОҲАЗА

ҲАВАСИМ КЕЛАДИ СЕНГА, Болажон!

Беғубор болагини қўмсамайдиган одам бўлмаса керак. Бироқ болалик нафақат ортда қолган завқу қувонч, ширин орзулар, балки оддийгина эҳтиёж, армонлар оғуши ҳам экани кишини ўйлантирмаслиги, изтиробга солмаслиги мумкин эмас.

Биз собиқ шўролар салтанати урушдан ҳориб чиққан, жангтоҳдан ҳолсиз қайтган оталар фарзандларимиз. Биз “эркатой”лар учун толёғоч тулпору патнис машина, нонқовурдоқ палову атала энг сеvimли таом бўлгани ҳам ҳақиқат.

Мактабга чиқишимиз ота-онамизни унчалик хурсанд қилган, деб бўлмайди. Чунки жўжабирдай жонни қорнидан орттириб, шунчаки кийинтириш, энг зарур китобдафтар олиб бериш ҳам ночоргина кун кўрувчи оила бошиларимизга

осон кечмаган. У замонларда богча у ёқда турсин, қишлоғимиздаги ягона мактабда парта ва синф хонаси етишмасди. Тагин бошланғич синфлардаёқ болалиқнинг ўзига хос “йўналишлари” белгилаб қўйилганди. Бу уйимиз — мактаб — колхоз даласи ва яна уйимизни ўз ичига олар, яъни эрталаб мактабга ўқишга борардик, бир-икки соат тигизлаштирилган дарсларни ўқигандан кейин яна далада ишлаб, хуфтонда уй-уйимизга қайтардик.

Айниқса, пахта яккаҳоқимлиги даврида бирорта оммавий дала юмуши, у яганам, ўтоқ, чопик ё чеканка, бизни четлаб ўтмасди. Пахта йиғим-теримини-ку, асти сўраманг. Терим бошланганда далага кетиб, зах шийпонларда тунаб, мавсум якунланганда уйларимизга қайтардик. Турғунлик деб аталган йилларда сентябрда теримга тушиб, янги йилдан ўқишга чиққанамиз ҳам лоф эмас. Ҳа, мактабимиз ҳам, ўйингоҳимиз ҳам, дам олиш жойимиз ҳам хайҳотдек далалар эди, десам ҳозирги давр ёшлари ишонмаслиги турган гап. Аммо бу айти ҳақиқат экани ўша замон уқубатларини ўз бошидан кечирганлар учун заррача исбот талаб қилмайдиган аксиома.

▶ Давоми 6-бетда

 ОЧИҚ МУЛОҚОТ ОЛДИДАН

СТАНДАРТГА МУВОФИҚЛИК ТАДБИРКОРГА НИМА БЕРАДИ?

Жасур ШУКУРОВ,
Ўзбекистон илмий-синов ва
сифат назорати маркази директори

“ЎзТест” давлат муассасаси фаолиятидаги энг муҳим жиҳатлардан бири шуки, ҳудудларда фаолият юритаётган 16 та синов лабораторияси O'z DSt ISO/IEC 17025:2019 стандарти бўйича аккредитациядан ўтказилди.

Бошланиши 1-бетда

Халқаро стандарт — халқаро бозорга йўл, дегани. Келажакни уйлаган ишбилармон айнан шундай йўл тутишни афзал билади. Бугун юртимизда мазкур масалага жиддий эътибор қаратилган ва бунинг учун тегишли шарт-шароит яратиб берилляпти. Жумладан, Президентимиз ўтган йилги тадбиркорлар билан очик мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқидан бунга алоҳида тўхталиб, “...Урта корхоналарнинг ривожланиши ва рақобатдош бўлишида халқаро стандарт ва сертификатлаш тизимини жорий этиш ўта муҳим аҳамиятга эга. Улар ишлаб чиқаришга қанчалик тез жорий этилса, ички бозорда сифатли маҳсулотларимиз ҳам кўпаяди”, дея таъкидлаган эди.

Шундан келиб чиқиб, маҳаллий тадбиркорларга кўмак бериш тизимли йўлга қўйилди ва бу уларга катта қўлайлик яратди. Мисол учун, бир хил товарларга ташқи савдо шартномаси доирасида мувофиқлик сертификатини бир йилдан ошмаган муддатга бир маротаба бериш тартиби жорий этилди. Натижада тадбиркор ҳар сафар такрорланадиган расмийлаштириш ишларидан қутулди. Яна бир эътиборли жиҳати, биргина ушбу тартиб қўллана бошлагандан бери соҳа қачқиларининг сарфланган 25,7 миллиард сўм миқдорида маблағи тежалди. Энди бунга кетадиган вақтининг қанчалик тежалганини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Ахир, бунгача тадбиркор ҳар бир шартнома учун алоҳида шундай сертификат олиши керак эди-да. Вақт эса тадбиркор учун жуда қадрли.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан сертификатлаштириш органини аниқлаб, ариза тақдим этиш учун сарфланган ўртача вақт 3-4 кундан 1 кунга, расмийлаштирилган мувофиқлик сертификатларини божхона идоралари электрон тизимдан тўғридан-тўғри олиш вақти 2 кунга қискарди. Бу эса сертификатлаштириш тизими шаффофлигини ошириб, қалбакилаштириш ва коррупция ҳолатларини минималлаштирди.

Бундан ташқари, Экспортни рағбатлантириш агентлиги билан ҳамкорликда мева-сабзавот, тўқимачилик маҳсулотлари ва буюмларини экспорт қилувчи 61 та экспортчи корхонага расмийлаштирилган мувофиқлик сертификати билан боғлиқ харажатлар қўллаб берилди. “ЎзТест” давлат муассасаси кўмағида 27,1 миллион АҚШ долларилек мева-сабзавот ва

тўқимачилик маҳсулотлари Европа Иттифоқи, Хитой, Қатар ва МДҲ давлатларида экспорт қилинди. Жорий йилда 491 ҳолатда тадбиркорлик субъектлари томонидан маҳсулотнинг мувофиқлигини декларациялаш йўли билан мувофиқлик сертификати расмийлаштирилиши



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

туфайли улар 785,6 миллион сўм маблағни иқтисод қилди.

282 та фермер хўжалигининг 11 минг гектар экин майдонида эса Global G.A.P. ва Organic халқаро стандартлари жорий қилиниб, сертификатлаштирилди. “ОЕКО-ТЕХ” халқаро стандарти жорий қилинган тўқимачилик корхоналари сони 53 тага етказилди. 33 та корхонага CE маркировкаси олинши ўз маҳсулотларини Европа Иттифоқи бозорига олиб кириш имконини берди.



GSP+ доирасида экспорт ҳажмини кенгайтириш бўйича ушбу тизимда экспорт қилинадиган 1 минг 533 хил маҳсулотга Европа Иттифоқи

ҳамда кўрсатилаётган хизматларни рақамлаштиришни жадаллаштириш, хавф даражаси юқори бўлган (озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги, металл, электротехника) маҳсулотларни сертифицикатлаштириш юзасидан нотификацияланган идора мақомини олиш чоралари кўрилади.

Экспортга йўналтирилган ҳамда маҳаллий саноат маҳсулотларининг халқаро хавфсизлик кўрсаткичларини (ISO, IEC, EN, UNECE, CODEX STAN, CISPR, CE маркировка, Европа иқтисодий комиссияси қоидалари) стандартлар асосида аниқлаш, мувофиқлигини баҳолаш бўйича синов лабораториялари модернизация қилинади.

Дунёда ўз ўрнига эга хорижий ташкилотлар билан корхоналарда маҳсулотларни халқаро Global G.A.P., Organic, Halal, GMO, Kosher сертификатлаштириш ҳамда ISO стандартлар бўйича сифат тизимлари кенг жорий этилади.

Буларнинг бари соҳада малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни оширади. Шу мақсадда мувофиқликни баҳолаш соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва малакасини доимий ошириб бориш мақсадида Германия, Франция, Туркия, Япония, Жанубий Корея, БАА, Беларус Республикаси билан ўзаро ҳамкорлик келишувлари имзоланган. Яқин келажакда кадрлар лаёқатини оширишни таъминловчи комплекс тизим ишга туширилади.

Умуман олганда, бугунги кунда мамлакатимизда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар орқали яқин келажакда ижобий натижаларга эришилиши қўйлаётганини диққатга сазовордир.

Жумладан: — Ўзбекистоннинг Бутунжаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га қўшилиши бўйича бажарилаётган ишларни ҳисобга олган ҳолда, халқаро бозорда юртимиз маҳсулот ва хизматларининг рақобатбардорлигини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмолчиларни ҳимоя қилиш; — хориқ бозорларига етказиб берилаётган маҳсулотлар синов натижаларининг тан олиншига эришиш;

— савдода техник тўсиқларни бартараф этиш, ички ва ташқи бозорларда маҳсулот рақобатбардорлигини ошириш; — мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқлари, ижтимоий соҳалари, биринчи навбатда, қонун билан тартибга солинадиган соҳаларда мувофиқликни баҳолашда давлат функцияларини бажариш бўйича эҳтиёжларини қўллашга кўмаклашиш.

Синов ва сифат назорати тизимини такомиллаштириш йўналишида амалга оширилаётган бугунги саъй-ҳаракатлар Ўзбекистонни жаҳон бозори билан фаол ҳамкорлик қилиш ва иқтисодиётини самарали ривожлантиришга қаратилган. Соҳада ечимини қўйлаётган муаммоларни ўз ўрнида ҳал этиш, ортиқча маъмурий тўсиқларни бартараф қилиш, маҳсулотлар мувофиқлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириб бориш мамлакат ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга кенг имконият яратди.

ишлаб чиқарилаётган “Lochin” бренди остидаги мотоциклларни дунё бозорига олиб чиқишни режалаштирганимиз. Корхонани ишга туширишга 30 миллион АҚШ доллари сарфланган. Унинг 10 миллион доллари “Туронбанк” томонидан ажратилган имтиёзли кредит. Ишончим комилки, лойиҳа тезда ўзини оқлайди. Корхонада жорий йилнинг ўтган даврида 170 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шунинг ўзи ҳам заводнинг қандай салоҳиятига эгалигини далолат бериб турибди, деб уйлайман.

— Билдирилган ишонч бизларга мотивация, куч берди. Биз бу ишончни албатта, оқлаймиз. Кейинги режамиз — электр юк машиналари ишлаб чиқариш. Бу борада ҳамкоримиз Хитой давлати билан дастлабки келишувга эришдик. 2025 йилга қадар ушбу лойиҳамиз ҳам амалга ошса, бозордаги рақобатбардор субъектлардан бирига айланамиз. Айни пайтда корхона фаолиятини барқарорлаштириш, электр энергиясига бўлган талабни қондириш мақсадида қуввати 500 киловатт бўлган қуёш электр станцияси қурылган, — дея изоҳлайди корхона раҳбари Соҳибжон Сулаймонов.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз томонидан яратиб берилган кенг имкониятлардан фойдаланган ҳар бир тадбиркор ўз салоҳиятини ишга солган ҳолда ҳаракат қилса, юқоридаги корхона каби улкан натижаларга эришади.

Ислом КАРИМОВ,
журналист

 БИЗ ВА ДУНЁ

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОН

ИЛМ-ФАН, ТАЪЛИМ
СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ
ЯНГИ САҲИФАЛАРИ



Омонулла
МУХАММАДЖОНОВ,
Тошкент давлат юридик
университети профессори,
юридик фанлар доктори

Ўзбекистон ва Ҳиндистон стратегик шериклардир. Аънавий дўстона алоқалар асосида савдо, сармоя, иқтисодиёт, маданий гуманитар ҳамкорлик, ёшлар ва таълим алмашинувлари билан боғлиқ турли соҳаларда, айниқса, юқори технологиялар, инновация, саноат, дастурлаш, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш борасидаги ҳамкорлик сўнгги йилларда жадал суръатларда ривожланмоқда. Эндиликда илмий ва маданий соҳадаги самарали алоқаларни ривожлантиришда буларнинг барчаси катта салоҳият ва мазмун касб этмоқда.

Бу борада мамлакатларимизнинг қўшма таълим, касб-хунар ва олий таълим муассасаларини очиш, илмий тадқиқот ва технологиялар соҳасида ҳамкорлиқни кенгайтириш, шунингдек, инновацион ишланмаларни тижорат-



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

лаштиришни назарда тутувчи қўшма “Йўл харитаси” қабул қилинди. Юртимизда Ҳиндистоннинг Amity, Sharda, Samgram каби олий ўқув юртлари филиаллари очилди. Яқин вақтларда эса Global, LNCT, Integral OTM филиалларини ҳам очиш режалаштирилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли конституциявий ислохотлар жараёнида икки мамлакат университетлари ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Яқинда Дехли университети таклифига биноан Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмағида ушбу мамлакатнинг ҳуқуқий ва таълим тизими билан танишиш, юридик кадрлар тайёрлаш соҳасида олий таълим муассасалари тажрибасини ўрганиш, Ҳиндистон ва Ўзбекистон университетлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиши назарда тутган хизмат сафарига бўлдим.

Ташриф давомиди салкам икки йилдан буюн университетимиз томонидан Ҳиндистон ташқи ишлар вазирлигининг махсус гранти асосида амалга оширилаётган Ҳиндистон Конституциясининг яратилиши тарихига оид материалларни тўплаш мақсад қилинган эди. Шу муносабат билан конституциявий ҳуқуқ бўйича Ҳиндистоннинг етакчи мутахассислари билан қатор учрашувлар, суҳбатлар бўлиб ўтди. Турли давлат ва олий таълим муассасалари ташрифлар ташкил қилинди. Жумладан, Конституция матнини ишлаб чиқиш ишлари-га бевоcита раҳбарлик қилган Ҳиндистон Республикасининг биринчи адлия вазир, доктор Баба Соҳиб Амбедкар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган мемориал музейнинг улкан экспозицияси билан танишиш ҳинд халқининг мустанлақачилик истибдоидан озод бўлиш йўлида олиб борган узоқ кураш ҳақидаги тасаввуримни янада бойитди. Бизда ҳам мамлакатимизнинг Асосий қонуни бўлган Конституция-миз тарихига бағишланган алоҳида музей ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этган бўларди.

Ҳиндистон парламентида ташриф мобайнида 3 миллиондан ортиқ турли нашрлар тўпланган кутубхонада сақланаётган, 1949 йилда Таъсис Мажлисининг барча аъзолари шахсан имзо чеккан Ҳиндистон Конституциясининг катта ҳажмдаги икки асл нусхаси, яъни асосан қўлда ёзилган инглиз ва ҳинд тилидаги нусхалари билан танишишга мушарраф бўлдим.

Маълумки, Ҳиндистон Иккинчи жаҳон урушидан кейин 1947 йилда мустамлакачилик қарамлигидан озод бўлган дунёдаги йirik давлатлардан бири. Ундан кейин озод бўлган бошқа мамлакатлар халқлари учун ўзининг асл давлатчилиги ва дастлабки 3 йил давомида яратилган мустақил Конституциясини яратган мамлакат сифатида маълум даражада унинг тажрибаси намунага айланган. Эндиликда у “Конституционизмни ривожлантиришнинг жонли лабораторияси”, деб эътироф этилади.

Ҳиндистон Конституцияси 70 йиллик ривожланиш даврида ўзига хослик, замонавийлик ва аънаваларнинг аҳолиб уйғунлигини ва энг муҳимини, ҳозирги дунёнинг ўзгарувчан шароитларига мослашиш қобилиятини намойиш этди. Эндиликда кўп миллатли, кўп конфессияли Ҳиндистоннинг ривожланиш оидмлари унинг самарали тараққиётини таъминламоқда ва ёрқин истиқболга ишончнинг мустақамлашга хизмат қилмоқда. Бунда ушбу мамлакатнинг бой конституциявий тажрибаси алоҳида урин эгалайди.

Уттан 70 йил мобайнида мустақил Ҳиндистон Конституцияси расмий ўзгаришлар, суд амалиёти ёки оддий қонунлар орқали қатор ўзгаришларга дуч келди. Шу вақт ичида қиритилган кўплаш ўзгаришлар Ҳиндистон Асосий қонундаги кўпгина қоидалар тузилишини, матни ва ҳақиқий мазмунини сезиларли даражада ўзгартирди. Табиий савол туғилади: нима сабабдан ушбу Конституцияни ўзбек тилига таржима қилиш мутахассислардан иборат ижодий гуруҳдан икки йиллик муддатни талаб этди? Чунки Ҳиндистоннинг

Асосий қонуни ҳажм жиҳатдан дунёда энг катта. У дастлаб 90 000 минг сўзни ташкил этган бўлса, вақт ўтиши билан унга қиритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар туфайли ҳозирда 110 000 сўзга етган. Унинг матнида мавжуд ўзига хос ибора ва атамаларни таржима қилиш уларнинг ҳуқуқий талқини аниқ ва инглиз тилидаги матнига мос бўлишини тақозо қилди. Бизни қувонтирган яна бир ҳолатни алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳиндистон Конституциясининг инглиз тилидаги нусхасини таржима қилишда ТДЮУ талабалари яқиндан иштирок этди. Бу улар учун катта тажриба бўлди, десак хато бўлмайди. Ҳиндистон Конституциясининг ўзбек тилидаги илк наشري икки мамлакат олимлари ўртасидаги катта қўламли ишлар учун бир бечора вазифасини ўташи ва янги лойиҳалар, бирликлда амалга оширилаётган ишларга кенг йўл очиш шубҳасиз.

Ҳиндистоннинг бир қатор юридик олий ўқув юртларидаги ўқитувларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислохотларга бағишланган маърузалар тинглангди. Мамлакатнинг етакчи олий ўқув юртларидан бўлган Маҳаража Аграсен бошқарув институту юридик факультетида Ҳиндистоннинг юридик олий ўқув юртлари ўртасида бўлиб ўтган Бутун Ҳиндистон 3-миллий ўқув суд жараёни танловида Ҳакамалар ҳаёти аъзоси сифатида унинг голибларини тақдирлаш маросимида иштирок этдим. Юридик факультетлар профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан бўлган учрашувларда Ўзбекистон ва Ҳиндистонда олий юридик таълимнинг ривожланиши, ушбу мамлакатларда амалга оширилаётган конституциявий ислохотларнинг долзарб масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Мухтасар айтганда, ислохотлар даврида юқорида қайд этилган соҳалар ривожига катта эътибор қаратаётган мамлакатимиз учун Ҳиндистон босиб ўтган тарихий йўл ҳам диққатга сазовор бўлиб, бунда ҳуқуқшунос мутахассисларнинг ҳамкорлик доирасини кенгайтириш муҳим.

 ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

ҚОРОВУЛБОЗОРДАН ЖАҲОН БОЗОРИГА

Давлатимиз раҳбари 10 август куни Бухоро вилоятига ташрифи чоғида иқтисодиёт ривожини, маҳаллалар ҳаёти, саноат корхоналари ва янги ишлаб чиқариш қувватлари билан танишди.

“Lochin” бренди остида юк ташувчи мотоцикллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган Қоровулбозор туманидаги “Бухоро реал мото” корхонаси 2018 йилда ишга туширилган бўлиб, бугунги кунда 250 га яқин ишчи меҳнат қилади.

Хозирга қадар асосан, юк мотоцикллари хориждан валюта ҳисобига юртимизга олиб келинган бўлса, мана бир неча йилдирки, бунга ҳожат қолмади. Чунки ўзимизда ишлаб чиқарилаётган “Lochin” мотоцикллари 1 тонна ва ундан кўпроқ юк кўтариш қувватига эга. Улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, дала-деҳқончилик ишларида, жумладан, иссиқхоналарда етиштирилаётган бодринг, помидор ва бошқа маҳсулотларни ташишда тиркачичи техникаларга нисбатан қўлайлиги, кам ёнилғи сарфлаши ва бошқа жиҳатлари билан анча устун. Айниқса, деҳқон ҳамда фермер хўжаликлари учун ҳам қўлай, ҳам ҳамёнбоп. Бу улов четдан харид қилинадиганларидан анча арзон. Нарҳи 23 миллион сўмдан 45 миллион сўмгача.

Айни кунда корхона раҳбарияти бозордаги талабдан келиб чиқиб фаолиятини янада кенгайтириш, маркетинг ишларини ривожлантириш ҳаракатида.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Муҳими, мотоцикллар хорижга ҳам сотиляпти. Хусусан, жорий йилда Тожикистонга 1 миллион АҚШ долларилек маҳсулот экспорт қилинди.

— Давлатимиз раҳбари томонидан раамий тугма босилиб, корхонамизнинг иккинчи босқичи ишга туширилди.

Эндиликда яна 250 та янги иш ўрни яратилади. Ҳозирги кунда ишчиларимиз 3 миллион сўмдан 10 миллион сўмгача ойлик маош олади, — дейди корхона таъсисчиси Саъдийжон Ваҳобов. — Бор имкониятларимизни ишга солиб, “Бухоро реал мото” корхонаси томонидан

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

БУГУНГИ ЁШЛАР КЕЧАГИ ЁШЛАР ЭМАС

УЛАРНИНГ ОНГИ, ДУНЁҚАРАШИ, ОРЗУ-ИСТАКЛАРИ, ТАЛАБЛАРИ ЎЗГАРДИ

Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Энг бахтиёр авлод бўлиш саодати

Бугун юртимизда ёшлар сони 18 миллиондан зиёд. Мамлакатимиз тарихида ҳеч қачон ўғил-қизларга бугунгидек кенг имконият ва шароитлар яратиб берилмаган.

Эътибор беринг: 1991 йилдан 2016 йилгача ёшларга оид жами 25 та қонун, фармон, қарор ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган бўлса, 2016 йилдан 2023 йилгача қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар 100 дан зиёдни ташкил этади.

Мамлакатимиз аҳолиси 2040 йилга бориб 50 миллионга етиши прогноз қилиняпти. Бу давргача аҳолининг тахминан 60 фоизини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, уларга муносиб турмуш шароити яратиш учун хавфсиз давлат, самарали бошқарув, барқарор иқтисодиёт, ижтимоий кафолатлар зарур эканини янада чуқурроқ англаймиз.

Бундай кафолатлар янги таҳрирдаги Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилди. Унга кўра, давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди. Уларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги фаол иштирокини рағбатлантиради. **Ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, ўй-жойли бўлиши, иш билан бандлиги учун шарт-шароит яратиш давлатнинг конституцийвий мажбурияти** сифатида белгилангани эса ёшлар ҳаётидаги ғоят муҳим ҳодисадир.

Бугунги ёшлар кечаги ёшлар эмас, уларнинг онги, дунёқараши, орзу-истаклари, талаблари ўзгарди. Улар сиёсий жараёнларда фаол қатнашиб, ўз фикрини дадил айтиётди. Бугунги давлат ҳам ёшлар муаммоларини ўз ҳолига ташлаб қўйган эмас. Улар учун барча имконият ва шарт-шароит яратишга, дарду ташвишини эшитишга интилкади.

Хўш, ёшларга қаратилаётган эътибор қайси жаҳазларда ёрқин тасдиғини топмоқда? Биринчи гада маҳалла, мактаб, коллеж ва олий ўқув юртларида бунга аққол ғувоҳ бўляпмиз. Жумладан, ёшларнинг замонавий таълим олишини таъминлаш билан бирга, турли тўғарақ, касб-хунар ва тил ўргатиш марказлари, спорт объектлари очилди.

Биргина мисол: 2019-2022 йилларда мамлакатимизда 826 та маданият маркази, 10 мингдан зиёд умумтаълим мактабиде ёшларни маданият ва санъатга жалб этишга хизмат қилувчи 41 мингдан зиёд тўғарақ фаолияти йўлга қўйилди. 149 мингдан ортиқ спорт тўғараги ташкил этилиб, уларга 2,7 миллионга яқин ўғил-қиз қамраб олинди. Спорт йўналишида ташкил этилган лойиҳа ва танловларда 6,4 миллион ёш иштирок этди.

“Беш ташаббус олимпиадаси” маҳаллаларда иқтидорли ёшларни саралаш ва истеъдодини намоён этишига кенг имконият яратди. Биргина ўтган йилнинг ўзида ушбу олимпиадага 13 миллиондан ортиқ йигит-қиз қамраб олинди. Имконияти чекланган 109 минг ёшнинг қизиқишидан келиб чиқиб, шахмат, шашка, стол тенниси, енгил атлетика бўйича **“Беш ташаббус паралимпиадаси”** ташкил этилди. Ёшларнинг спорт билан шугулланиш имкониятини янада ошириш мақсадида маҳаллаларда минчи футбол, воркаут, стритбол спорт майдончаси ва мажмуалари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Янги Ўзбекистонда ИНСОН, унинг салоҳияти ва фаоллиги ислохотларнинг асосий драйвери сифатида танлангани бежиз эмас. Чунки дунёда туртинчи саноат инқилоби авж палласига кўтарилаётган, сунъий интеллект инсон билан рақобатга киришган бир пайтда давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **“...Биз нафақат моҳир пахтакор ва боғбонлар ўлкаси, балки юқори малакали ИТ мутахассислар, инженер ва энергетиклар, коччи ва металлурлар, физик ва кимёгарлар мамлакатга бўлишимиз керак”**.

Шу мақсадда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилди. Олий таълим муассасалари сони қарийб уч баробар оширилди ва 210 тага етказилди.

Мактаб битирувчиларини олий таълим муассасаларига қамраб олиш даражаси эса 9 фоиздан 38 фоизга етди.

Олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган **200** ёш учун **Президент гранти**, шунингдек, юртимиздаги хорижий олий ўқув юртлари бакалаврият босқичи талабалари учун **Президент ва давлат стипендиялари** таъсис этилди.

Давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида тахсил олаётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловлари давлат бюджетидан молиялаштирилмоқда. **Тўлов-контракт асосида ўқиётган 255 минг талабага 2,4 триллион сўм имтиёзли таълим кредити, аъло баҳоларга ўқиётган 3488 йигит-қизнинг шартнома тулови учун эса 9,88 миллиард сўм маблағ ажратилди.**

Илм йўлини танлаган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида **докторантура босқичи учун квота икки баробар оширилди**. Натижада ўтган беш йилда мамлакатимиз бўйича 187 хотин-қиз фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга бўлди. Шунингдек, дунёнинг **энг етакчи 100** талик рўйхатига кирувчи олий таълим муассасалари грантига сазовор бўлаётган ўғил-қизларимиз сони тобора ошмоқда. Энди ушбу иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун **“Эл-юрт умиди”** жамғармаси маблағлари қўшимча имтихонсиз ажратилади. **500 талик** рўйхатдаги олий таълим муассасалари грантини қўлга киритган фарзандларимизнинг авиачипта ва ётоқхона харажати тўлиқ қўллаб берилади. Бугун илмга чанқоқ ёшлар ва ота-оналар бундай имкониятдан жуда мамнун. Маърифатпарвар ҳадид боболаримизнинг **“Наҳот — таълимда, наҳот — тарбияда, наҳот — билимда”**, дегани мазмунни ҳам аслида шу.

Янги ислохотлар даврида қишлоқларда 270 минг гектар экин майдони ажратилиб, 714 минг ёшнинг иш билан бандлиги таъминланди. Охири

29 минг 500 нафардан зиёд йигит-қизга замонавий касб-хунарлар ўргатилди. Худудларда 205 та Рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил этилиб, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 1,2 миллион ёш компьютер дастурлаш асослари бўйича бепул ўқитилди.

Бугун янги Ўзбекистон ёшлари дунё ёшлари билан барча соҳада беллашишга тайёр. Айни пайтда уларнинг 1,5 миллиони бунг вақтини чет тилини ўрганишга сарфламоқда. Бундай ёшларни рағбатлантириш мақсадида хорижий тилларни ўрганиш жараёнида **халқаро имтиҳон тизимлари** бўйича

ёшлар учун 100 дан ортиқ имконият яратилди. Ёшлар муурожаатларини кўриб чиқиш муддати 30 кундан 5 кунга, ёрдам кўрсатиш 40 кундан 16 кунга қисқартирилди. Ёшлар етакчилари худуддаги 14-30 ёшли йигит-қизларнинг ижтимоий ҳолати, иш билан бандлиги ва саломатлигига оид маълумотларни жамлаб, **“Ёшлар баланси”**ни шакллантирмоқда. Етакчилар тавсияси асосида кўрсатиладиган ёрдамлар тури эса 11 тадан 25 тага етказилди.

Хусусан, **“Ёшлар дафтари”** тизими йигит-қизларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, уларни ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлаш борасида том маънода имкониятлар дафтари вазифасини ўтамоқда. Ўтган икки йилда ушбу дафтар орқали 798 мингга яқин ёшга қарийб 1 триллион сўмлик ёрдам кўрсатилди. Жумладан, эҳтиёжманд оиллага мансуб 58 минг талабанинг ўқиш учун контракт пули тўлаб берилди.

“Ёшлар дафтари” ёрдамида 31 мингдан ортиқ йигит-қиз аънавий ва замонавий касб-хунар бўйича ўқитилмоқда. Шу кунга қадар замонавий касблар ва хорижий тилларга 18,8 минг, аънавий касбларга эса 13,4 минг ёш ўқитилди. Бунинг учун 80 дан ортиқ турдаги касбий таълим йўналишига 53,8 миллиард сўм йўналтирилди.

Энди **“Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағларини ишлатиш тизими ҳам ўзгаради.** Хусусан, ёшлар учун касбга ўқиш, меҳнат қуроллари, уруғ-қучатга субсидия каби турдош хизматлардан бир вақтнинг ўзида фойдаланиш имконияти яратилди. Уша худуддаги уруғ-қучат ҳужалиқларидан уруғ ва қучат сотиб олиши учун тўғридан-тўғри 2,5 миллион сўм берилади. “Ёшлар дафтари” билан ишлашда йигит-қизларни анимация, дизайн, логистика оператори, гид каби замона-

юқори балл (даража) тўплаган 10,3 минг ёшнинг имтиҳон харажати учун 18 миллиард сўм тўлаб берилди. **“Ибрат фарзандлари”** лойиҳаси ҳам ёшларнинг чет тилини илк босқичдан онлайн бепул ўрганишига амалий ёрдам кўрсатяпти.

Охириги 6 йилда юртимиз раванқиқа муносиб ҳисса қўшиб келаётган истеъдодли ва фидойи ёшларнинг **758 нафари** давлат мукофотларига сазовор бўлгани ҳам мамлакатимизда ёшлар сиёсатиغا қаратилаётган эътибор намунасидир.

Маҳалладан бошланаётган ёшлар сиёсати

Ёшлар муаммоси фақат таълим муассасалари ёки иш жойидаги мутахассислар кўмагида эмас, балки уни ва оиласини яхши танийдиган, биладиган муҳитда — маҳаллаларда ҳал этилмоқда. Бу жараёнда маҳалладаги ёшлар етакчиларининг тажрибаси ва ташаббуси муҳим аҳамият касб этаётир.

Аслида, ёшларни қийнаётган масалаларни улар билан бир маҳаллада яшаётган ёшлар етакчиларидан кўра яхшироқ биладиган йўқ. Чунки улар маҳалладаги шароит, асл ҳолатни борица, яъни аслича кўра олади. Шу боис, Президентимизнинг ишончли вакиллари айнан маҳаллаларда фаолият олиб бориши ҳар жиҳатдан фойдали бўлмоқда.

Йўлга қўйилган ахлти вертикал бошқарув тизими натижазида маҳаллада

Шунингдек, жорий йилда замонавий касблар бўйича камида 25 минг йигит-қиз ўқитилади. Ушбу дафтар орқали тақдим этиладиган ижтимоий-иқтисодий хизмат турлари 2023-2024 йилларда 1,5 баробаргача оширилади. “Ёшлар дафтари” ва хориждан қайтиб келган меҳнат мигрантлари рўйхатига киритилган ёшларга деҳқон ҳўжалиги юритиши учун ер участкалари соддалаштирилган тарзда, алоҳида танлов асосида ажратилади.

Янги имкониятлар бўсағасида

Бундай ислохотлар тобора такомиллашиб, янгича босқичда давом этмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш ҳамда улар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларга бағишланган видео-селектор ййгилишида берган топшириқлари асосида ёшлар билан ишлаш бўйича янада самарали тизим жорий қилинди.

Хусусан, 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 9 миллион ёшнинг ижтимоий аҳоли, қобилияти ва қизиқиши ўрганилиб, 3 тоифага ажратилди. Энди улар билан манзилли, аниқ мезонлар асосида “маҳалладан вазирликкача” тизими асосида иш олиб борилмоқда.

Биринчи босқичда “аҳоли оғир” тоифасига киритилган, давлатнинг ғамхўрлиги ва эътиборига муҳтож 396 минг йигит-қиз ҳар бир вазир ва унинг ўринбосарлари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, сектор раҳбарлари, ректорлар, Миллий гвардия ва ҳарбий қисм командирларига номма-ном бириктирилди. Улар энди ўз ҳимоясидаги ёшларнинг **касб-хунар ўрганишига,**

жамиятда ўз ўрнини топишига ёрдам берилади.

Учинчи босқичда “яхши” тоифага киритилган, намунали ўқиётган, тадбиркорлигини йўлга қўйган, расмий секторда ишлайдиган, қобилиятли, ижтимоий фаол 4,2 миллион ёш билан алоҳида ишланади.

Турли суҳбатларда ёшлар маҳалласида спорт билан шугулланишга шароит ҳамда кўнгилочар масканлар етишмаслиги тўғрисида фикр билдирган. Шу боис, биринчи босқичда вилоят марказларида, кейинчалик туманларда кечано кундуз ишлайдиган ёшлар сайилгоҳлари ташкил этилади. Уларда спорт, киберспорт ва интеллектуал ўйинлар, китобхонлик, караоке учун шароит яратилади. Шунингдек, ҳар бир туманда **“Ёшлар сайли”** ва ижод кўчалари, олий таълим муассасаларида спорт лигалари, коворкинг ва театр студиялари ташкил қилиниши белгиланган.

Бундан ташқари, **“Янги Ўзбекистон ёшлари ташаббуслари”** жамғармаси ва электрон платформаси фаолияти йўлга қўйилади. Жамғармага **100 миллион доллар** йўналтирилиб, **иқтидорли ёшларнинг энг яхши гоа, стартап лойиҳаларига қўлай ва енгил шартларда, зарур бўлса, фойсиз ажратилади.**

IT парклар бўйича тажрибадан келиб чиқиб, худудларда **“Креатив парк”**лар ҳам ташкил этилади. Уларга IT парк резидентларига берилган имтиёз ва енгиллик қўлланади. Шунингдек, мактаблардаги тўғарақлар жиҳозланиб, мураббийлар қўллаб-қувватланади. “Баркамол авлод” болалар мактаблари фаолияти самарадорлиги оширилади. Ёшлар ўртасида **касб-хунар олимпиадалари** ташкил қилинади. Бухоро, Самарканд, Хива, Термиз, Шахрисабз, Қўқон каби туристик мажмуалар, шаҳар ва туманлардаги марказий паркларда **очиқ осмон остидаги кутубхоналар** ташкил этилади.

Шу билан бирга, ўз ҳисобидан кутубхона барпо этаётган ташаббускорларга ўзбек ва жаҳон адабиётининг мингтадан дурдона асари олиб берилади. Улар давлат ҳисобидан компьютер билан жиҳозланиб, Миллий кутубхона базасига ўланади.

Ёш кадрларга ишонч

Мамлакатимизда ёшлар сиёсатиға оид тизимли ишлар натижасида ташаббускор, ислохотларни амалга ошириш ва жойлардаги муаммоларни ҳал этишга қодир ёш кадрлар захираси шакллантирилди. Ҳозир айнан шундай ёшларга ишонч билдирилиб, масъул лавозимларга тайинланмоқда. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида давлат обрўсига пўтур етказаетган айрим амалдорлар ҳақида тўхталиб, **“Уларнинг ўрнига билимли, Ватан ва халқ ташвиши билан яшайдиган ёш-ёш йигит-қизларни қўямиз”**, дегани ҳам бежиз эмас.

Зотан ёшларнинг мансаб пилла-полярларидан кўтарилишига берилган бундай рағбат эртага самара бериши шубҳасиз. Бу ҳақда Президентимиз бундай деди: **“Мана, сафимизга юртимиздаги, чет элдаги нуфузли олийгоҳларда ўқиган, ийрик компанияларда ишлаган қанча-қанча салохиятли ёшлар кириб келмоқда. Мен уларнинг тимсолида, аввало, эртанги кунимизнинг янги раҳбарларини, худуд, тармоқ ва соҳаларнинг моҳир бошқарувчиларини кўраман”**.

Давлатимиз раҳбари келажагимиз эгаларини яратилаётган шароит, берилаётган имкониятдан самарали фойдаланишга чакириб, **“Ёшлик — ғанимат, вақт — ғанимат, фурсат борида отни қамчиланг! Давлатимиз, халқимиз яратиб бераётган имкониятларнинг қадрига етинг! Дунёга ўз сўзингизни айтинг!”** деди.

Хулоса

Айни пайтда ёшларга оид давлат сиёсатини самарали қўллаш ҳамда ёшлар билан ишлаш ва уларнинг интилишини қўллаб-қувватлашга қаратилган “Янги Ўзбекистон ёшлари стратегияси” ишлаб чиқилмоқда.

Стратегия мазкур соҳани 2030 йилгача ривожлантириш, ушбу йўналишда эришиладиган аниқ мақсадли мезонларни белгилаш ҳамда ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган вазифаларни ўз ичига олади. Ёшларга оид бундай ислохотлар тўхтаб қолмайди, аксинча, фарзандларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга янада кўпроқ имконият ва шароитлар яратиш борасида янгича ёндашувлар асосида кенг қўламли ислохотлар олиб борилади.

Бу қўллаб-қувватловга жавобан ўғил-қизларимиз маррани янада баланд олиб, мустаҳкам ирода ва катта шижоат билан энг баланд чўққиларни эгаллаш лозим. Зеро, бугун мактаб, коллеж, техникум ва олий таълим муассасаларида билим олаётган, тадбиркорлик билан шугулланаётган, Қуролли Кучларимиз сафида Ватан олдидаги бурчини шараф билан адо этаётган, ишлаб чиқариш, қурилиш, илм-фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт ва санъат, спорт соҳалари, қолаверса, замонавий ахборот технологиялари оламига дадил кириб бораётган, катта орзу-умид билан яшаётган 18 миллиондан зиёд ўғил-қиз — мамлакатимизнинг бебаҳо бойлиги, олтин захирасидир. Мана шу беқиёс куч билан янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этамиз.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

вий касбларга ўқиштишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бу тизимга мактабларнинг 10-11-синф ўқувчилари ҳам қамраб олинади. “Ёшлар дафтари” жамғармалари маблағининг камида 40 фоизи айнан касб-хунарга ўқиштишга йўналтирилади.

кредит, субсидия олиши учун кафилик қилиш орқали иш билан бандлигига кўмаклашади.

Иккинчи босқичда “ўрта” тоифадаги — ҳаёт тақозоси билан расмий сектордан иш топа олмаган, лекин иқтисодий фаол 4,8 миллион ёшнинг



ОБОД МАНЗИЛЛАР

ЛОЙИХА МУКАММАЛ БЎЛСА,
ИНШООТ МУСТАҲКАМ БЎЛАДИ

БУНИ ҚУРУВЧИЛАР ЯХШИ АНГЛАБ ЕТМОҒИ ЗАРУР



Фарҳод БАҲРОНОВ,
“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ
бош директорининг инвестициялар ва капитал
қурилиш бўйича ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

“Бугунги кунда комбинатда Капитал қурилиш, инвестициялар, кон бошқармаларида қурилиш бўлимлари, Зарафшон қурилиш бошқармаси, унинг тасарруфидagi 3 та қурилиш-монтаж жамоаси ҳамда 1 та қурилиш трести мавжуд бўлиб, уларда 3,5 минг нафардан зиёд қурувчи-муҳандис меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти ёшлардир.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

доир лойиҳалар фақат четдан жалб этилган қурувчи-муҳандислар томонидан амалга оширилди. Бугунги кунда бундан тўла воз кечилиб, барчасини ўзимизнинг қурувчилар бажаряпти.

Бу борадаги дастлабки савъ-ҳаракатлар 4-гидрометаллургия заводини барпо этиш ва Мурунтов қонида жаҳонда ягона бўлган тик қия конвейерни ўрнатишдан бошланган эди. Мазкур йирик лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ўзимизга ишончни янада оширди.

Энг аввало, моддий-техник базамизни янада мустаҳкамлади. Пархимиз замонавий қурилиш техникаси ҳисоби-га кенгайди ва ҳозир 500 га яқин турли машина-механизмга эгамиз. Бундай имкониятлар ишимиз суръати ва сифатининг янада яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, зарур қурилиш материаллари корхонамизнинг ўзида ишлаб чиқарилаётгани. Бу, биринчидан, объектлар қурилиши харажатларини сезиларли пасайтириш,



маблагни иқтисод қилиш, иккинчидан, қурилиш майдонларига материалларни етказиб беришда узиллишлар бўлмаслиги, учинчидан, янги цехлар ташкил этилиши ҳисобига ёшларимиз учун иш ўринлари яратишга имкон берди.

Ҳозирги кунга келиб 24 турдан ортиқ қурилиш маҳсулотлари ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Темир-бетон, металл конструкциялар, гишт, кум, оҳак, шағал, эшик-деразалар, полиэтилен қувурлар кабилар шулар жумласидан. Кейинги етти йилда 859,1 миллиард сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга эришилди. Аини пайтда эса эҳтиёждаги маҳсулотлар турини босқичма-босқич кўпайтириш чоралари қўриляпти. Иш ҳажми ва суръати ҳам шунга мос равишда йилдан-йилга ўсиб борапти. Мисол учун, 2016 йилда атиги 189,6 миллион доллар ҳажмида иш бажарган бўлсак, 2022 йилда бу кўрсаткич 486 миллион долларга етди.

Комбинат фаолиятида инвестиция дастури алоҳида ўрин тутди. Бинобарин, 2017-2022 йилларда ушбу дастур асосида 28 та инвестицион лойиҳа амалга оширилди. Булар сирасига 5-, 6-, 7-гидрометаллургия заводлари, 2-гидрометаллургия заводининг “Б” блоки, янги очилган Турбой, Балпантов ва Томдубулок конларини гидрометаллургия заводлари билан боғловчи 82,6 километрли темир йўл, кўприк ва магистрал йўлларни қиритиш мумкин. Шу билан бирга, комбинат ҳоимлигида Зомин туманида НКМК санаторийси, Зарафшон шаҳрида фавворалар сайилгоҳи, Учқудуқ туманида “Олтинкўл” дам олиш мажмуаси ва бошқа объектлар барпо этилди. Бу каби ишларимиз кон-металлургия соҳасида катта янгиллик, бунёдкорлик йўлида эса улкан қадам бўлди.

Бунга яна бир мисол сифатида 5-гидрометаллургия заводи қурилиши оилайлик. Уни янги асрнинг ҳақиқий бунёдкорлик намунаси, дейиш мумкин.

“Айни пайтда қурувчиларимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 32 йиллигини ёруғ юз, катта меҳнат ютуқлари билан қутиб олмоқда. Жумладан, 6-гидрометаллургия заводи, Тўдақўл дам олиш базасида халқаро шахмат мактаби, Зарафшон шаҳрида 504 ўринли иختисослаштирилган мактаб-интернат фойдаланишига топшириш учун тўлиқ шай ҳолга келтирилди.



ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

ҚИРҚ ТОЙЛИ ҚИШЛОҚ

Бошланиши 1-бетда

Қишлоқнинг Хитой деб аталиши бўйича иккита ривоят бор. Улардан бирига кўра, бу ердаги ўтлоқда икки ака-ука қирқ та той боқиб, шу ерда кўним топган. Иккинчи ривоятга кўра эса Қўкон хонининг қирқ та тойи шу ерларда йўқолиб қолган.

Йиллар давомида қулоқдан-қулоққа ўтиб келган “Қирқ та той” сўзи ўз шакл-шамойилини ўзгартириб “Хитой” бўлиб кетган экан. Аслида, ҳар бир ривоят ортда ҳаёт ҳақиқати ётади. Қадимдан серсув, ўтлоқ маскан сифатида эътироф этилган қадим қишлоқда ҳозир ҳам чорвачилик, деҳқончилик ривожланган.

Қишлоқда 2 минг 800 га яқин аҳоли яшайди. Кейинги йилларда аҳоли турмуш тарзи ва фаровонлигини ошириш, хизмат кўрсатиш ва саноат тармоқлари фаолиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳудудни ҳар жиҳатдан обод қўшага айлантиряпти.

Эски, пасткам деворли уйлар ўрнида замонавий уй-жой, савдо ва хизмат кўрсатиш масканлари қад ростлади. Нафақат томорқачилик, шу билан бирга, тикувчилик, мебелсозлик, темирчилик, паррандачилик, балиқчилик йўналишларида янги ишлаб чиқариш тармоқлари ташкил этилди.

Асосан, ёш кадрлардан ташкил топган маҳалла “бешили” фаоллиги, аҳолининг ҳамжиҳатлиги туфайли “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида 4,5 километр ички йўлнинг бир қисми асфальтланди, бир қисмига шағал ётқизилди. Ичимлик сув, электр таъминоти тўдан яхшиланди, 2 та трансформатор ўрнатилди. Равон кўчалар, обод ва файзли хонадонларнинг бугунги кўринишидан кўз қувнайди, дил яйрайди. Эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотлар одамлар кайфиятини кўтариб, янги марра, мақсад сари ундамоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг хонадонимизга келганидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди, — дейди маҳалла фахрийси Абдуғаффор Халилов. — Мўътабар меҳмонимиз билан дийдорлашув онларидagi ҳажонларимиз сўз билан ифодадай олмайман. Шавкат Мирзиёев биз билан

ўта самимий, қадрдонлардек очик суҳбат қуриб, ҳаётимиз, муаммоларимиз ҳақида ўзимиздан эшитиш ниятида эканлигини бот-бот таъкидлади. Гапларимизни эътибор билан тинглаб, қўллаб маслаҳат, ўринли таклифлар берди. Кўп йиллар қишлоқ ҳўжалиги ва бошқарув идораларида фаолият юритдим. Қаерда ишламай, эл-юрт манфаатини барча нарсадан устун қўйдим. Турмуш ўртоғим Раъноҳон билан беш фарзандни тарбиялаб, элга қўшдик. Бугун уларнинг роҳатини кўриб, кексалик гаштини суриб яшаймиз. Президентимиз келиб-кетганидан буён, хонадонимиздан меҳмонларнинг қадами узилгани йўқ. Ҳамма бизга ҳавас қилиб, таассуротларимизни сўраяпти.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари ташрифидан сўнг маҳалла яна ободликка юз тутди. Худуддаги 22-умумтаълим мактаби учун 210 ўринли қўшимча бино, маҳалла фуқаролар йиғинининг замонавий биносини қуриш борасида амалий ишлар бошланди.

Маҳаллада аҳоли ўртасида тadbиркорлиқни ривожлантириш, одамлар бандлигини таъминлаш орқали камбағаллиқни қисқартириш борасида қўллаб амалий ишлар олиб борилмоқда. Шу кунларда “маҳаллабай” ўрганиш жараёнида



аниқланган 187 нафар ишсиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли бандлигини таъминлаш, уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилляпти.

Абдурахмон Жапоров 12 сотих майдонда сабзавотчиликка иختисослашган деҳқон ҳўжалиги ташкил қилиб, қалампис етиштиришни йўлга қўйган. Баравж



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ишлар натижасида 100 нафардан зиёд аҳоли бандлиги таъминланди. Президентимизнинг маҳалламизга келиши бу борадаги ишлар салмоғини янада ошириш имкониятини бермоқда.

Маҳалладаги 637 та хонадонда 758 оила яшайди. Ҳар бир оиланинг ўзига хос яшаш тарзи, амаллари бор. Эътиборли жиҳатлардан бири, кейинги йилларда эрта никоҳ, ажрим сингари салбий ҳолатлар барҳам топиб бормоқда. Бунда, албатта, маҳалладаги ҳамжиҳатлик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатишдек эзгу амалларнинг ўрни алоҳида.

— Ҳар қандай мурасасизлик, уруш-жанжал ортда беқорчилик, етишмовчилик туради, — дейди маҳалла хотин-қизлар фаоли Дилором Мамажонова. — Ёшларни турмушга тайёрлаш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш кундалик амалларимиздан. Хонадонбай ўрганишларимиз давомида ишсизлиги сабаб биринчи тоифа “Аёллар дафтери”га киритилган 74 хотин-қизнинг 30 нафари турли соҳаларга ишга жойлашди, 28 нафари ўзлари қизиққан касб-хунар йўналишидаги қисқа ўқув курсларида мактабга ошириб келди, 14 нафарига эса субсидия асосида тикув машиналари олиб берилди.

Тadbиркор Олтиной Турдалиева касаначилик асосида болалар трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Аини кунда маҳалладаги бўш турган бинода касаначилик ва “уста-шоғирд” аниҳанаси асосида ўндан ортиқ хотин-қиз иш билан таъминланди.

— Яқингача кўп вақтимизни дала юмушлари, пахта йиғим-теримиди ўтказсак-да, меҳнатимизга яраша манфаат қўрмасдик, — дейди Ойдина Раҳмонова. — Президентимиз ташаббуси билан энди қишлоқ аёллари ҳам ўзи танлаган соҳада ишлаш имкониятига эга бўлди. Оилавий шароитимни ҳисобга олиб, субсидия асосида тикув машинаси беришди. Эндилиқда уй юмушлари, фарзанд тарбиясида ажралмасдан тикувчилик билан шуғулланиб, даромад топиш имкониятига эга бўлиб, оилам қорига яраётганимдан хурсандман.

Маҳаллада ёшлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш ишлари яхши йўлга қўйилгани учун “яшил” тоифа макрами берилган.

Бу бежиз эмас. Сўнгги икки йилда ёшлар иштирокида жиноят содир этилмади. Президентимиз маҳалла ёшлари билан

Заводнинг замонавий қиёфаси, ўзига хос ишлаб чиқариш ечимлари, ўрнатилган инновацион технологияларни қўриб ҳавасингиз келади. Қолаверса, корхона белгиланган муддатдан олдин бунёд этилди. Бу, шак-шубҳасиз, саҳро инжиқларига қарамай, елкама-елка ишлаган қурувчилар, мутахассису муҳандислар меҳнати, ортирган тажрибасининг амалий маҳсулидир.

Агар йўлингиз Зарафшон шаҳри, Учқудуқ тумани маркази, Заркент кўрғони ва бошқа ҳудудларга тушиб қолса, қад ростлаган мухташам уй-жойлар, ижтимоий объектлар, фавворалар, маданият ва истироҳат боғлари, дам олиш масканларига кўзингиз тушади. Ободлик кўнгилдан, ўзинг яшаётган манзилдан бошланади, деб шунга айтсалар керак.

Бугунги кунда комбинатда Капитал қурилиш, инвестициялар, кон бошқармаларида қурилиш бўлимлари, Зарафшон қурилиш бошқармаси, унинг тасарруфидagi 3 та қурилиш-монтаж жамоаси ҳамда 1 та қурилиш трести мавжуд бўлиб, уларда 3,5 минг нафардан зиёд қурувчи-муҳандис меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти ёшлардир.

Айни пайтда қурувчиларимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 32 йиллигини ёруғ юз, катта меҳнат ютуқлари билан қутиб олмоқда. Жумладан, 6-гидрометаллургия заводи, Тўдақўл дам олиш базасида халқаро шахмат мактаби, Зарафшон шаҳрида 504 ўринли иختисослаштирилган мактаб-интернат фойдаланишига топшириш учун тўлиқ шай ҳолга келтирилди.

Қурилиш соҳасидаги истиқбол марраларимиз катта. Жумладан, инвестиция дастури доирасида қиймати 513,5 миллион доллар бўлган 12 та лойиҳа жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Унинг 155,8 миллион доллар қурилиш-монтаж ишларига тўғри келади. Шунингдек, ҳали олдимизда қиймати 390 миллион доллар бўлган Мурунтов қонини ўзлаштириш (5-навбати), унинг 2-босқичи ва қиймати 55 миллион доллар бўлган “Янги Довон-Тошкон конларида маъдан қазиб олиш мажмуасини қуриш” каби лойиҳаларни 2026 йилгача амалга оширишдек масъулиятли вазифалар турибди. Бу лойиҳалар рўёби юртимиз иқтисодиёти ривожига катта ҳисса қўшади, албатта.

қилган мулоқотида 5 нафар иқтидорли ёшга имтиёз асосида ўқишга кириш учун тавсиялар бергани маҳалла ёшлари қалбига қувонч, мамнулик олиб кирди.

Маҳаллада яшаётган ёшлар 700 дан зиёд. Уларни бир мақсад йўлида бирлаштириш учун турли спорт беллашувлари, кўрик-танловлар ўтказиш анянага айланган. Худуддаги 22-умумтаълим ва 2-иқтидорли болалар мактабидида спорт ва фан тўғрарқари фаолияти йўлга қўйилди. Дониёржон Иброҳимов мураббийлик қилаётган кикбокс спорт тўғрари аъзоси Жамшидбек Раҳмоналиев вилоят, республика ва халқаро мусобақалар қолиби бўлди. Умиҳдон Иброҳимов Ёшлар ишлари агентлиги ташаббуси билан ўтказилган “Беш ташаббус” олимпиадасида ошпазлик йўналишида маҳалла ва туман босқичида биринчи, вилоятда 3-ўринни қўлга киритди. Танлов қолиби қимматбаҳо совға билан тақдирланди. Бу рағбат ва эътибор ёш ошпаз фаолиятида янги имкониятларга қанот бўлди. Маҳалла ҳудудида умумий овқатланиш ва кабоб тайёрлаш маркази фаолиятини йўлга қўйиб, 4 нафар ёш бандлигини таъминлади.

Ёш тadbиркор Абдулазиз Ҳайдаров ташаббуси билан “Хон қарвон” хусусий корхонасига асос солинди. Бу ерда ўндан ортиқ турдаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда.

— Бу каби мисоллар кўп, — дейди қишлоқ ёшлари етакчиси Мирзараҳим Мирзараҳмонов. — Ёш тadbиркор Оллаберди Мадаминов ташаббуси билан қўмилиш ҳаваси қўрилди, Мирзараҳим Жамоллидинов эса савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолиятини йўлга қўйиб, ўналар янги иш ўрни яратди. Давлатимиз раҳбарининг маҳалламизга келиб, ёшлар билан қилган амалий мулоқотида айтган фикр-мулоҳазаларини дастуриламал қилиб олди. Бу ёшлар учун муносиб шарт-шароит яратиш, манфаатини ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш, янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш дегани.

Сирасини айтганда, шу кунларда Хитой маҳалласида кўтаринки кайфият, жўшқинлик ҳукмрон. Қим билан гаплашманг, Президентимизнинг маҳаллага ташрифидан руҳланганини, чекка қишлоқ ободликка юз тутаетганини мамнулик билан таъкидлайди.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Мамаюнов ПАРДАЕВ, Мурод МУХАММЕДОВ, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессорлари, иқтисодиёт фанлари докторлари

Тарихан қисқа вақтда халқимизнинг фидокорона меҳнати ва қатъияти билан амалга оширилган ислохотлар натижасида миллий ўзлигимиз, асл қадриятларимиз, қадимий тарихимиз, бой маданиятимиз ва анъаналаримизга асосланган янги Ўзбекистон тикланмоқда. Давлат ва жамяят ҳаётининг туб асослари ўзгариб, мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида муносиб ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Бошланиши 1-бетда

Айни пайтда мамлакатимиз “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” деган гоёнинг инсонпарвар мазмун-моҳиятини ўзида мужассам этган ҳолда ривожланиш йўлида изчил давом этмоқда. Шу тариқа Тараққиёт стратегиясининг иқтисодиётга оид жиҳатлари ҳам бир қанча йўналишларда рўйбга чиқмоқда.

Биринчидан, Тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатини таъминлаш бўйича бир қанча вазифалар белгиланган. Бунда иқтисодиёт тармоқларини жадал тараққиёт эттириш учун тадбиркорликка кенг йўл очиб масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Чунки бу йўл мамлакатимиз учун ўта зарур бўлган янги иш ўринлари яратиш орқали камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга эришишнинг муҳим омилга айланди. Бунинг учун миллий иқтисодиётда юқори ўсиш суръатини таъминлаш бўйича 15 та мақсадда жамланган вазифалар белгиланди.

Иккинчидан, иқтисодий ислохотларнинг энг муҳимларидан бири сифатида иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатини таъминлаш орқали келгуси беш йилда (2022-2026 йиллар) аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни 1,6 баробар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш учун замин ҳозирлаш вазифаси қўйилган.

Учинчидан, миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган сиёсатни давом эттириб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баробар ошириш зарур бўлмоқда. Шу тўғрйли саноатнинг етакчи тармоқлари ва иқтисодиётни янада либераллаштириш ҳамда трансформация жараёни тизимли равишда амалга оширилмоқда. Статистика агентлиги маълумотига кўра, 2023 йилнинг 1 июль ҳолати бўйича юртимизда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари сони 69 минг 628 тага етган. Бу фаолият юри-таётган жами корхоналарнинг 14,6 фоизини ташкил этади. Мамлакатимизда саноат корхоналари сони кўп бўлмас-да, етарли даражада маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга экспорт қилиш орқали ушбу соҳада ҳам Ўзбекистонни дунёга танитмоқда.

Тўртинчидан, ўта долзарб яна бир муҳим масала энергия ресурслари бозорини аҳоли ижтимоий ҳимояси-ни кафолатлаган ҳолда эркинлашти-ришга қаратилган. Бу борада ҳам кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Соҳага хусусий инвестицияни жалб қилиш ҳамда эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун истеъмол меъё-ларини киритиш масаласи ҳам босқич-ма-босқич ҳал этилмоқда. Шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини нефть-газ маҳсулотлари билан узлук-сиз таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу бўйича тизимли ишлар бажарилмоқда. Статистика агентлиги маълумотларига кўра, жорий йилнинг январь-ноябрь ойларида Ўзбекистон экспортда энергетика ва нефть маҳ-сулотлари 6-ўринда бўлиб, шу даврда қиймати 619,6 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот сотилган.

ХАЛҚИМИЗ ЭҲТИЁЖИ ВА ТАРАҚҚИЁТИГА МОС ЁХУД АҲОЛИ ДАРОМАДИ ЎРТАЧАДАН ЮҚОРИ ДАВЛАТЛАР ҚАТОРИГА ҚАЧОН КИРАМИЗ?

Бешинчидан, озиқ-овқат хавфсиз-лигини таъминлаш глобал муаммолар-дан бирига айланган. Бу масала бизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Шу тўғрйли озиқ-овқат саноатини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган ва тизимли равишда бажарилмоқда. Юртимизда озиқ-овқат маҳсулотларининг салмоқ-ли қисми уй ҳўжаликларида етиштири-лади. Шу тўғрйли йирик саноат тар-моқлари ва ҳўдудий корхоналар ҳамда аҳоли ўртасида саноат кооперациясини ривожлантириш масаласи кўн тартиби-даги вазифалар сирасига киради.

Ушбу жараён самарадорлигини оши-риш учун саноат тармоқларида меҳнат унумдорлигини, қишлоқ ҳўжалиги кор-хоналарида ҳўсилдорликни ошириш, аҳоли ўртасида масъуллиқ ҳўссини юксалтириш юзасидан ҳам тегишли ишлар қилинмоқда. Натижада тўйиб овқатланмайдиганлар улуши рейтинги-да Ўзбекистонга тааллуқли маълумот-лар ижобий томонга ўзгарди. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташки-лоти (ФАО) маълумотига кўра, бу бора-даги кўрсаткич 2020 йилда 6,3 фоизни ташкил қилган эди.

Олтинчидан, иқтисодиётда геол-огия-қидирув ишлари ҳажмини кескин ошириш, соҳага хусусий инвестор-лар ва илғор хорижий компанияларни кенг жалб қилиш масаласи устувор вазифалардан бирига айланган. Истиқболли майдонларда геология-қиди-рув ва қазиб олиш ишларига шаф-фоф механизмлар асосида маҳаллий ва хорижий инвесторлар кенг жалб қилинмоқда. Яна бир муҳим масала иқтисодиётимиз учун зарур минерал хо-машё базасини кенгайтиришдан иборат. Бу чора-тадбирларнинг муҳим йўналишларидан бири геология соҳа-сида замонавий таълим стандартла-рини кенг жорий этган ҳолда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қў-йиш ҳамда илмий тадқиқот натижаля-рини амалиётга татбиқ этишдир. Шу тўғрйли мамлакатимиз олимлари катта ҳажмдаги лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Еттинчидан, Тараққиёт стратегияси-да иқтисодиётни электр энергияси би-лан узлуксиз таъминлаш ҳамда “яшил” иқтисодиёт технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисо-диётнинг энергия самарадорлигини 20 фоиз ошириш эвазига 2026 йилга бо-риб электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини қўшимча 30 миллиард кило-ватт-соатга ошириб, жами 100 мил-лиард киловатт-соатга етказиш вазифа-си белгиланганди. Бу иқтисодиётга катта самара келтиради. Хусусан, 2026 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 25 фоизга етказиш эвазига йилгига қарийб 3 миллиард куб метр табиий газни тежаш имконияти яратилади.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ривожлантириш орқали ишлаб чиқа-риш ҳажмини 1,4 баробар, экспорт ҳажмини 2 баробар кўпайтириш ҳам-да маҳаллийлаштириш даражасини ошириш масаласида тегишли ишлар қилинмоқда. Чирчиқ шаҳрида қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги ишлаб чи-қаришини ягона саноат кластери усу-лида ташкил этиш борасидаги ишлар фикримиз тасдиғидир.

Мамлакатимизда электромобиллар ишлаб чиқариш ва фойдаланиш бўйи-ча тегишли чоралар кўрилмоқда. Шу билан бирга, уй-жой коммунал ҳўжали-ги, ижтимоий соҳа объектлари ва бош-қа соҳаларда қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, энергия самарадорлигини ошириш ҳамда ушбу чора-тадбирлар “яшил” иқтисодиёт билан қўшиб олиб борилганда иқтисо-диёт тармоқлари ҳавога чиқарадиган зарарли газ ҳажмини бир бирлик ялли ички маҳсулот ҳўсобида 10 фоиз қис-қартиришга эришилади. Бу ҳам атмо-сферанинг экологик тозаллигига хизмат қиладиган стратегик аҳамиятга эга чо-ралардандир.

Тўққизинчидан, мамлакатимиз-нинг 2022-2026 йилларга мўлжаллан-ган тараққиёт стратегиясида рақамли иқтисодиётни асосий драйвер соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баробар оширишга қаратилган иш-ларни бажариш кўзда тутилган эди. Шу тўғрйли рақамли инфратузил-мани янада ривожлантириш орқали барча аҳоли масканлари ва ижтимоий объектлар ҳамда автомобиль йўлла-рини кенг полосали улаиш тармоқ-лари билан қамраб олиш юзаси-дан жадал ишлар қилинмоқда. Чунки иқтисодиётнинг реал сектори ҳамда банк-молия со-ҳаларида ишлаб чиқариш ва опера-цион жараёнларни ра-қамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш кўзда тутилган. Натижада дасту-рий маҳсулотлар индуст-рияси ҳажмини 5 баробар, экспортни эса 10 баробар ошириб, 500 миллион АҚШ долларига етказиш масала-си устида иш олиб борил-моқда.

Унинчидан, ижтимоий-иқти-содий ҳаёт юксалишида инвести-циянинг ўрни бекиёс. Шу тўғрйли инвестиция муҳитини янада ахшиллаш ва жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ долла-ри, жумладан, 70 миллиард доллар хо-рижий инвестиция жалб этиш чоралари кўрилмоқда. Бу борада инвестициядан самарали фойдаланиш ҳамда экспорт ҳажмини ошириш бўйича “настдан ю-қорига” тамойили асосида янги тизим йўлга қўйилмоқда.

дан кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Айнан давлат-хусусий шериклик асо-сида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув ҳўжалиги ва бошқа со-ҳаларга 14 миллиард АҚШ долларига тенг инвестиция жалб этиш кўзда ту-тилган. Ушбу вазифаларнинг изчилли-гини таъминлаб туриш учун ҳар йили Тошкент халқаро инвестиция форумини ўтказиб бориш масаласи кўн тартибига қўйилган.

Ун биринчидан, экспорт сало-ҳиятини ошириш Тараққиёт страте-



деҳқон ва фермерлар даромадини ка-мида 2 баробар ошириш, қишлоқ ҳў-жалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш кўзда тутилган. Бунинг учун қишлоқ жойларда, айниқса, қиш-лоқ ҳўжалиги соҳасида янги иш ўринла-ри яратиш, тупроқ унумдорлигини оши-риш ва муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Соҳа ривожига илм-фан ва инно-вацияга асосланган агрохизматлар кўрсатиш тизими аҳамиятидан келиб-чиқиб, уни такомиллаштириш масала-си ушбу аҳамиятга эга. Аммо айрим туманларнинг ўзига хос хусусиятла-ри етарли даражада ўрганилмаган ва аниқ маҳсулот турини етиштиришга иختисослаштириш учун етарли дапи-лар шакллантирилмаган. Шу тўғрйли ушбу масалани изга солиш учун ҳам илм-фан ютуқларидан фойдаланила-ди. Бунинг учун нуфузли халқаро ил-мий марказлар ва олий таълим муас-сасалари билан биргаликда Халқаро қишлоқ ҳўжалиги университетини таш-кил этиш кўзда тутилган. Аграр соҳада илм-фан ва амалиёт интерграциясини чўқурлаштириш, аҳолининг томорқа-дан самарали фойдаланиши учун ша-роит яратиш, шу тарихи агросаноат корхоналарини хомашё билан таъмин-лаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баробар ошириш режалаштирилган. Қишлоқ ҳўжалигида давлатнинг қў-лаб-қувватлов қўламини кенгайтириш орқали экспортдоп маҳсулотлар етиш-тириш ҳамда мева-сабзавотчиликни



гиясининг муҳим йўналишларидан. Ушбу йўналиш орқали 2026 йилда мамлакатимиз экспортини 30 мил-лиард АҚШ долларига етказиш кўз-да тутилган. Бунга эришиш учун ташки бозор ва халқаро талаблар-га жавоб берадиган стандартларни жорий этиш ҳамда машҳур бренд-ларни жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу жараёнда хусусий сектор имкониятларидан самарали фойдаланиш эвазига унинг экспорт-

кўпайиб, Европа давлатларига GSP+ тизими доирасида тайёр маҳсулот экс-портини кенгайтириш юзасидан кенг қў-ламли ишлар бажарилмоқда. Мамлакатимизда “Янги Ўзбеки-стон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти” гоёси асосида 200 экспортчи очик танлов асосида саралаб олиниб, фаолият кўрсатмоқда. Улар келгусида етакчи экспортёрларга айлантирила-ди. Бу борада экспортёрлар ҳар то-монлама қўллаб-қувватланмоқда. Яна бир муҳим жиҳат, қўшни давлатлар билан чегара ҳўдудларда эркин савдо зоналари фаолияти йўлга қўйилади.

Ун учинчидан, иқтисодиётнинг драй-вери бўлган туризм соҳаси ҳам охириги йилларда мисли қўрилмаган даражада ривожланди. Бунда туристик объект-ларни ва инфратузилмаларни сайёҳ-ларга хизмат кўрсатишга мослаш-тириш, уларга сайёҳларни жалб қилиш ҳамда мамлакатимизда бўлиш мўддатини узайтириш мақса-дида тарихий-маданий, зиярат, экологик, этнологик, гастрономик, маданий-маърий-фий, археологик, соғломлашти-риш ва қишлоқ ҳўжалиги туриз-мини ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилан-ган. Натижада турли давлатлар билан келган сайёҳлар сони қисқа мўддатда жуда тез ўсган. Биргина мисол, яқинда туристик алоқалар йўлга қўйилган Италиядан сайёҳлар оқими қарийб 5 баробар ошган. Статис-тика агентлиги маълумотларига кўра, 2023 йилнинг январь-апрель ойларида Италиянинг 5 мингдан зиёд фуқароси туристик мақсадда Ўзбекистонга келган. Бу кўрсаткич 2022 йилнинг мос даври билан солиштирилганда 3 минг 953 нафар ёки 4,8 баробар кўп демакдир.

Ун тўртинчидан, камбағалликни қисқартириш, аҳоли фаровонлигини оширишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад ман-баларини шакллантириш учун шароит яратиш масаласига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳўдуларда тадбиркор-ликни қўллаб-қувватлаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича мавжуд тузилмалар фаолиятини тако-миллаштириш юзасидан ҳам тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Та-раққиёт стратегиясида хусусий сектор-нинг ялли ички маҳсулотдаги улушини 80, экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш кўзда тутилган. Бунинг учун иқтисодиётда давлат иштирокини қис-қартириш ва хусусий секторга кенг йўл очиб орқали иқтисодий муносабатлар-да эркин бозор тамойилларини жорий этишни кенгайтиришга эришилади. Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2023 йилнинг 1 июль ҳолатида фаолият кўрсатаётган корхона ва та-шкилотлар сони 477 минг 722 та (фермер ва деҳқон ҳўжаликларисиз) бўлиб, шун-дан 67 минг 516 таси хусусий корхона-лар ҳўсасига тўғри келмоқда. Булар-нинг улуши 14,1 фоизни ташкил қилади. Келгусида уларнинг улуши кескин оша-ди боради.

Ун бешинчидан, қишлоқ ҳўжалиги-ни илмий асосда интенсив ривожланти-риш орқали қишлоқ аҳолиси фаровон-лигини юксалтириш кўзланган. Бунда

ривожлантириш, интенсив боғлар май-донини 3 баробар ва иссиқхоналарни 2 баробар кўпайтириб, экспорт салоҳия-тини яна 1 миллиард АҚШ долларига ошириш устида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Агрологистика марказ-ларини ривожлантириш ва замонавий лабораториялар сонини кўпайтириш билан бирга уруғчилик ва қўчат етиш-тириш бўйича миллий дастурни амал-га ошириш масаласи кўн тартибдаги долзарб масалалардан.

Ун олтинчидан, сув ресурслари би-лан боғлиқ муаммолар кескинлашаёт-гани тўғрйли ушбу масалага етарлича эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йиллар-да глобал иқлим ўзгариши натижасида кузатилаётган сув танқислигининг сал-бий таъсирини юмшатиш мақсадида сув ресурсларига муносабатни ўзгарти-риш зарурати ошмоқда. Сув ресурслар-ини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни тежаш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш на-тижасида камида 7 миллиард куб метр сувни тежаш кўзда тутилган. Бунга эри-шиш учун сув ҳўжалиги объектларида электр энергияси истеъмоли камайти-рилади.

Соҳада самарадорликка эришиш учун сув ҳўжалиги объектларини дав-лат-хусусий шериклик тамойиллари асосида бошқариш мақсада мувофиқ, Бугун сув ресурсларини бошқариш, уларнинг ҳўсоби ва ҳўсботини юри-тиш ҳамда сув муносабатларини янада такомиллаштириш объектив зарурат-га айланди. Бу эса сувдан тежамли ва самарали фойдаланиш юзасидан мам-лакатимизда кенг қўламли ислохотлар-ни амалга ошириш кўзда тутилгандан далолат. Шунга қарамай, қўйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш, сув тан-қислиги шароитида истеъмолчилар ўр-тасида сув тақсимлаш, сувнинг ҳўсоби ва ҳўсботини юрийтиш ҳамда сувдан фойдаланиш самарадорлиги пастилли-ча қолмоқда. Ушбу ҳолат, ўз навбатида, сув ресурсларини самарали бошқариш, уларнинг ҳўсоби ва ҳўсботини тўла-қўнли юритиш, сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни такомил-лаштириш ҳамда ушбу жараёнга хусу-сий секторни кенг жалб қилиш масала-сини ҳам қараб чиқишни тақозо этаётир.

Тараққиёт стратегиясида юртимиз аҳолисининг ичмиллик сув билан таъ-минланганлик даражасини 87 фоизга етказиш, 32 та йирик шаҳар ва 155 та туман марказида оқова сув тизимини янгилаш масаласи қўйилган. Бу бора-да тизимли ишлар қилинмоқда. Энди сув таъминоти қувурларидаги сув си-зиш нуқталарини сунъий йўлдош тех-нологияси орқали масофадан зондаб аниқлаш ва таъмирлашга замонавий технологиялар жорий этилиши кўзда тутилган.

Тарихан қисқа вақтда халқимизнинг фидокорона меҳнати ва қатъияти би-лан амалга оширилган ислохотлар натижасида миллий ўзлигимиз, асл қадриятларимиз, қадимий тарихимиз, бой маданиятимиз ва анъаналаримиз-га асосланган янги Ўзбекистон тиклан-моқда. Давлат ва жамяят ҳаётининг туб асослари ўзгариб, мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида муносиб ўрнига эга бў-либ бормоқда.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



МУЛОҲАЗА

ҲАВАСИМ КЕЛАДИ СЕНГА, БОЛАЖОН!



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



**Зиёвиддин МАНСУР,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси Наманган вилояти
бўлими раҳбари, “Эл-юрт
хурмати” ордени соҳиби**

Бошланиши 1-бетда

Сира ёдимдан чиқмайди: Сулаймонов ва Азизхўжаев деган ўқитувчиларимиз спортга ихлосманд бир гуруҳ болаларнинг битта стадион куриб беришни сўраб, юқорига ёзган аризасини уюштирганликда айбланиб, ишдан четлатилган эди. Бундай сиёсат замирида қандай манфаат ётганига ҳали-ҳануз ақлим етмайди. Унинг мазмунида маҳаллий миллат болаларидан таниқли, машхур спортчилар қилиб қолишининг олдини олиш лозим, деган ғоя ётган бўлса, ажабмас.

Яна бир ҳолатни ҳамон ажабланиб хотирлайман. Етмишинчи йилларда бокс бўйича жаҳон чемпионатида ўзбекдан битта чемпион чиқди. У Руфат Рисқиев эди. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари хушхабарга фавқуллода оламшумул тус бериб, роса жар солди. Ҳатто расмий матбуотларимиздан бирида эълон қилинган “Тошкент йўлбарси” мақоласи вилоят, туманларда чиқадиغان газеталарда кўчириб босилиб, анча шов-шувлар кўтарилди. Ҳа, ўзбекдан чемпион чиқиши ўша давр учун қутилмаган ҳодиса эди. Бироқ менга алам қилгани, милла-



тимиз толеига битган биттагина чемпион ҳақида собиқ мамлакатнинг марказий матбуоти юракни “жиз” эттирадиган бирор-та чиқиш уюштирмади.

Собиқ иттифок “гуллаб-яшнаган” ўша вақтларда унинг терма жамоасига жалб этилган машхур футболчимиз Биродар (Эркин) Абдураимов армияга олиниб, армия клубидан собиқ иттифок терма жамоаси тарихига киритилган ва хориж жамоаларидан бирига қарши ўйинда ажойиб зарба билан рақиб дарвозасини ишғол этган эди. Ўшанда уни тошкентлик, ўзбек деб эмас, “армиячи” деб эълон қилишганда томошабинлардан бири “Шундай миллат ҳам бор экан-да”, дея истеҳзоли қулган, ичимизда эса, очиги, зилланган эдик.

Дарвоқе, жисмоний тарбия фанини дарсининг охирига суриб, унинг ҳисоби-га кўча тозалаш ёки дала ишларига сафарбар этилардик. Жисмоний чинқиш омили бўлган мазкур фандан қилган яганамиз, ўтоғимиз ёки терган пахтаимиз микдорига қараб баҳо олардик. Бизда бу билан нафақат спортга эътиборсизлик, балки меҳнатга ҳам нафрат уйғотиладди. Лекин ҳолисанилло айтганда, бу каби йўқотишлар ўрнини мустақил мутулаа, тинимсиз изланиш, ўқиш, ўрганиш эвазига тўлдириб олишлар бизга кўп асқатганини энди яхши ҳис этмоқдамиз. Зеро, қишлоқдаги ўша даҳмазалардан қочиш, фориг бўлишнинг бирдан-бир йўли “аъло” баҳоларга ўқиш, тезроқ олий ўқув юртиларига кириш ва тузукроқ шахсга айланиш, илжо бўлса, пойтахтда, ҳеч бўлмаганда, бирорта каттароқ шахардан иш топиб қолиш эди.

Таассуфки, бизни олий ўқув даргоҳида ҳам ҳозирғидай жаҳон андозалари талаблари даражасидаги шароит эмас, балки олдингидан баттарроқ оғир дала ишлари кутиб, “қайноқ” оғушига оларди. Интилишларимиз, орзу-хавасларимиз, келажагимиз, иқтидоримиз, ақлий, жисмоний тақомилга эришувимиз на раҳбарият, на давлат аҳамиятига молик, аксинча, “ўзинг учун ўл етим”, “ўзингни ўлдир, пахта режасини тўлдир” қабилда эди. Маънавий камолот тушунчаси эса, ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг, анқонинг уруғи бўлган. Мана, сизга собиқ шўролар жамаияти ва пахта якҳоқимлиги даврининг бош сиёсати.

“Э, эски гапларнинг мустақиллик даври, рўшнлик замони, эркинлик даврони учун нима дахли бор?” дегувчилар ҳам топилади. Шундайларга айтмоқчимизки, куннинг қадри тунга, яхшиликнинг қадри ёмонликка, эзгуликнинг қадри ёвузликка солиштирилганда равшан кўринади. Демократизм, фаровон замонамиз, озод мамлакатимиз, кундан-кун раванга топиб, яшнаётган диёримиз ва шунга яраша тубдан ўзгараётган тафаккуримиз, онгимиздаги истиқлолий эврилишлар тўғрисида сўзлаш, унинг мазмун-моҳиятини батафсил очиб бериш учун шундай таққослар, таҳлиллар, таъсирчан муқоясалар керак, албатта.

Илгари “Онғ бирламчиси ёки борлиқ?” деган фалсафий саволга аксарият файласуфлар аввал онғ, кейин борлиқ, дер эди. Бу, эҳтимол, тўғридир. Гап бунда эмас. Гапнинг индаллоси, бизда, яъни Ўзбекистонимизда мустақиллик шарофати билан объектив борлиқ объектив онгдан илгарилаб кетди. Қисқа давр мобайнида Тошкентда янги Мустақиллик майдонини, мухташам Халқаро форумлар саройини “Тошкент сити”, дунё талабларига жавоб берадиган стадион, Алишер Навоийнинг муборак номи билан аталгучи бетимсол кутубхона, “Маърифат маркази”, Самарқандда қад ростлаган “Боқий шахар” мажмуаси ёки биригина Намангандаги “Афсоналар водийси”, “Ёшлар зиё маскани”, Ибрат ижод мактабига Президент мактаби сингари ҳашаматли қошоналар фақат бизнигина эмас, балки ажасий сайёҳларнинг ҳам янги Ўзбекистон тўғрисидаги

тасаввурларини тубдан ўзгартириб юборгани бор гап.

Айтиб адоғига, санаб саноғига етиб бўлмайдиган бепеён ва кўламдор ишларимиз ким учун, кимнинг манфаати учун, биз уларни кимга қолдираимиз?! Бу саволларга Президентимизнинг асрий орузларимизни ўзига мукжасам этган биригина ибораси энг жўяли жавоб бўлиши аниқ: “Бутун куч ва салоҳиятимизни ягона улуг мақсадимиз — янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратамиз”. Бунинг меросхўри, шубҳасиз, бугунимиз ва эртаимизнинг эгалари саналмиш жондан ширин фарзандларимиздир.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 14 июль санасида ўз лавозимига кириши маросимида сўзлаган маърузасини тингларканман, беихтиёр ҳаёлимдан яна бир бор юқоридаги фикрлар ўтди.

Мунтазам равишда болалар спорт объектлари, жумладан, Наманганда “Океан” номли бетимсол сузиш ҳавзаси, мусиқа ва санъат мактаблари барпо этилган, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари изчил давом эттирилаётгани, мазкур объектларнинг аксарияти қишлоқ жойларда ишга туширилгани, шу мақсадлар учун миллиардлаб сўм йўналтирилгани менга кўтаринки илҳом бағишлаб, мушоадаларимни ўртоқлашишга рағбат уйғотди.

Зеро, серкўёш диёримизда наслимизнинг жисмонан соғлом, руҳан тетик, ақлан етук ва маънан баркамол бўлишини кўзлаб қилинаётган оламшумул, улғувор ишлар профессионал спортчиларни тарбиялашда ғоят муҳим ўрин тутаётгани қайси зиёлига, қайси ижодкорга ўзгача завқу шавақ, баланд кайфият улашмайди? Вилоят, шахар ва туманлар марказларига-ку, гап йўқ, ҳатто қишлоқ ва маҳаллалардаги ободлик, хусусан, спорт майдончалари, сузиш хавзалари, теннис кортлари келгусида ёшларимизнинг жаҳон майдонида катта доврўқлар солиб, Ўзбекистонимизнинг халқлараро, давлатлараро нуфузини янада оширишига ишончли асослар эмасми, ахир?!

Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрўсини оширишга салмоқли ҳисса қўшган талайгина истеъдодли йилит-қизлар давлатимизнинг юксак муқофотлари билан доимий тақдирланаётгани ёшларга қаратилаётган эътиборнинг яна бир амалий ифодаси экани, бошқа тенгдошларида ҳам тинимсиз интилиш, тўхтовсиз изланиш туйғусини уйғотиши рост.

Президентимиз чиқишларида кўтирилаётган долзарб масалалар, илгари сурилган ғоялар, ижтимоий соҳани ри-

вожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш бундан бўён ҳам диққат марказида бўлиб қолиши, янги тахрирдаги Конституциямизда юртимиз ижтимоий давлат сифатида эътироф этилгани ва кузланаётган улкан мақсадлар замирида ҳам беихтиёр соғлом оналик ва беғубор болалик манфаатлари ётибди.

2023 йилда юртимизда болалар таълими ва тарбияси, баркамол авлод сифатида улғайиши учун ўқув-тарбия ишларига алоҳида урғу қаратилаётгани, Ахсикентни ЮНЕСКО рўйхатида турган тарихий шаҳарлар қаторида қарийб уч минг йиллигини нишонлаш, асрий орузимиз бўлган адабиёт музейи барпо этиш, ўзбек қўшиқчилиқ санъати даргаларидан бири, Ўзбекистон халқ артисти Қамолитдин Раҳимов ижодини ёш авлод онгига чуқур синдириш ниятида мусиқа ва санъат мактаби қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш, уларни зарур анжом ва ускуналар билан таъминлаш юзасидан устувор вазифалар белгилаб олингани, узлуксиз йўл қўйилаётган айрим камчиликларни бартараф этиш чоралари қатъий тизимлаштирилаётгани ёғур истиқболдан далолатдир.

Шийпон болалар боғчасиго қопдан ясалган беланчак диванимиз бўлган, болалиги далаларга, эгاتларга сочилиб кетган биздек собиқ болалар учун ҳозир вилоятларда қарийб 80 фоиз боланинг саройимонанд болалар боғчаларига жалб этилаётгани худди афсонадай бўлиб кўринади. Шу натижаларга атиги 5-6 йилда эришилгани эса чинакам хайратланарли. Гап бу имкониятлардан унумли фойдаланиш, самарадорликка эришишда. Ана шундай мактабгача таълим ташкилотига тарбия олаётган 5 ёшли Нури Муҳаммад исмли неварам баъзи хижатларда менга сабоқ ўтаётгани, 4 ёшли Муҳаммад Юсуфим ўзбекчадан ташқари рус ва инглиз тилларида бурро гапирётгани ўша самарадорликнинг ёрқин мисоли!

Дарҳақиқат, мустақиллик даври ёшларига, болаларига ҳар қанча ҳавас қилсангиз арзийди. Бу эса ижодкорга бекиёс мамнунлиқ, ифтихор ва туганмас илҳом бахш этиши табиий!

*Чехранда балқиган Кўёшинг сенинг,
Не тонки, бахтингиз кўрсатар аён.
Сендадир бутун ўл-ҳаёлим менинг,
Ҳавасим келади сенга, болажон!*

*Сен каби чоғларим ўйлаб сарсарига,
Ҳаёлда ўптимшиш бўлса намёон.
Бечора дамларим ёдлаган сари,
Ҳавасим келади сенга, болажон!*

*Ер-қўкка сизмаган онларим онам
Дердлар: ер қаттиқ, йироқдир осмон.
Ушбу кун сен учун муяссар олам,
Ҳавасим келади сенга, болажон!*

*Дунёга разм сол, атрофга қара,
Қаёда бор сендаги шароит, имкон?
Оламини бўйласам яна ўш қарра,
Ҳавасим келади сенга, болажон!*

*Гирғиттон бўлайин, ўрғилсин аканг,
Ҳамиша шу эл, юрт ишони билан ён.
Бузулган фаровон, чарғон эртанга,
Ҳавасим келади сенга, болажон!*

ЗИЁ МАСКАНЛАРИ

ЎҚУВЧИЛАРГА КИТОБНИ ҚИЗГАНМАЙДИГАН КУТУБХОНАЧИЛАР КЕРАК

**Дилноза ҲАҚБЕРДИЕВА,
Республика болалар кутубхонаси матбуот котиби**

Тараққиёт, цивилизация инсон онги ва ҳаёт тарзидаги қадриятларни, ахлоқий мезонларни ўзгартириб юбораётир. Бу муаммони ўрганаётган олимлар, файласуф ва психологларнинг аксарияти асосий сабаблардан бири сифатида одамлар, хусусан, ёшларнинг китобдан узоқлашиб бораётганини кўрсатади.

Китобдан узоқлашиш ҳақида таниқли шоир Эшқобил Шукур бундай ёзади: “Одамзод қанча тараққий этмасин, қанча гаройиб техник воситаларни ўйлаб топмасин, барбери ҳали ўз тафаккури тарбияси учун китобдан яхши воситани ўйлаб топгани йўқ. Китоб мутлоаси бизга ҳаётни мутлоа қилишни, инсонни ва Худони мутлоа қилишни ўргатади. Китобдан узоқлашиш — бу тафаккурдан узоқлашиш, тафаккурдан узоқлашиш эса одамнинг ўз-ўзидан узоқлашишидир”.

Кўриниб турибдики, учинчи минг йиллик бошига келиб одамлар, асосан, ёшлар онгига ахлоқ мезонлари ва инсоний, миллий қадриятлар ўзгаришининг асосий сабаби китоб ўқимай қўйишдадир.

Ҳамон ёдимда... Мактабга илк марта ўзим борган куни синф хонамни топпай мактаб кутубхонасига адашиб кириб қолганман. Хонада ўқувчилар йўлигини қуриб, бу директорнинг хонаси бўлса керак, у анча бой экан-ку, деган ҳаёл ўтган. Аммо ориқли нуктани айтмасам бўлмайди. Ўша вақтларда негадир китоб ўқирман кўп бўлса ҳам мактаб кутубхонасига

кира олмасдик. Соатлаб ёпиқ турарди... Очик бўлганида ҳам китобни уйга олиб кетиб ўқиб бўлмасди...

Кутубхонага ўқувчилар учун ҳамиша эшмиг очик, болаларни яхши кўрадиган, ўқувчининг талаб ва истакларидан келиб чиқиб, унинг ёшига, руҳиятига мос келадиган китобларни топиб бера оладиган, ўқувчи “Бу қандай китоб”, деб сўраганида, унга қисқа бўлса-да, маълумот бера оладиган, китобни қизганмайдиган кутубхоначилар керак!

Бугун қалбни, ақлни, ахлоқий мезонлар ва қадриятларни забт этаётган оммавий маданият, сериаллар, шоулар, компьютер уйинлари, кераксиз ахборотлар, ақидапарастлик ғояларига китобхонлиқни тарғиб қилиш билан қарши тураётган кутубхоналарнинг ўрни ва вазифаси ҳар доимидан муҳим бўлиб турибди. Шу боис, кутубхоналарни бойитиш, замонавий технологиялар билан таъминлаш, бу масканларга ёшларни кўпроқ жалб қилишга оид қарорлар қабул қилинмоқда. 5 та муҳим ташаббуснинг тўртинчи йўналиши ёш-



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



лар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонлиқни кенг тарғиб қилишга йўналтирилгани, Президентимизнинг 2019 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисиغا ахборот кутубхона хизмати кўрсатишни янада тақомиллаштириш тўғрисида”ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги “2020-2025 йилларда китобхонлиқ маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори шулар жумласидан.

2023 йил 5 июлда эса Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашувида давлатимиз раҳбари келгуси етти йилги режаларга тўхталиб, бундай деди: “Ҳар йили 100 та энг яхши бадий асар ҳамда болалар ва ўсмирларга мўлжалланган 50 та бадий китоб яратиш учун ижодий буюртма берилиб, муаллифларга 100 миллион сўмдан қалам ҳақи тўланади. Бу китоблар 20 минг нусхадан наشر қилиниб, мактаблар ва кутубхоналарга бепул берилади. Бунга ҳар йили 200 миллиард сўм йўналтирамиз. Шунингдек, келгуси етти йилда кутубхоналарнинг

40 миллионга яқин китоб фонди тўлиқ рақамлаштирилади ва уларнинг ягона каталоги яратилади. Умуман, 2030 йилга қадар мамлакатимиздаги барча кутубхоналар тўлиқ таъмирланади. Шу мақсадда 500 миллиард сўм ажратамиз”.

Бундан ташқари, учрашувида кутубхоналар ходимлари иш ҳақи келгуси етти йилда 3 қарра оширилиши ва мактаб кутубхоначиларининг иш ҳақи педагог ходимлар ойлиғига тенглаштирилиши ҳам таъкидланди.

Бу эса китобхонлиқни ривожлантириш борасидаги саяё-ҳаракатлар янги босқичга ўтаётганидан, ёшларимизни юксак қадриятларга ахтирор руҳида тарбиялаш вазифасини бажаришда давлат, ота-оналар, педагоглар ва кутубхоначилар бир-галикда эзгу мақсад йўлида ҳаракат қилишда янги истиқболлар очилаётганидан дарақ беради.

Яқинда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан тизимдаги 10 мингдан ортиқ умумтаълим мактаби кутубхоначилари малакасини, касбий билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида юртимиз бўйлаб худудларда икки босқичли ўқув семинарлари каскад усулида ташкил этилди.

Ушбу семинарларда кутубхоначиларга каталоглар турлари, китобларга ишлов бериш тартиби, китоб фондидаги чиқарилаётган китоблар, жамлама ҳисобга олиш китоби, китобнинг индекси, журнал ва газеталарни ҳисобга олиш тартиби ва шу каби мавзулар бўйича билим ва кўникмалар берилди. Ўқув семинари якунида эса фаол кутубхоначилар, китобхонлиқ танловларида ғолиб бўлган ўқувчилар диплом ва сздалик совғалар билан тақдирланди.

Булар, албатта, имкониятлар, яратилаётган шарт-шароитлар, ғамхўрликлар. Аммо ёшларни китобга жалб этиш фақат даъватлар билан ёки китоб совға қилиш

билангина битиб қолмайди. Шунинг учун Республика болалар кутубхонаси ўқувчи ёшларни китобхонлиқка жалб этишининг аънавий ва янги усулларини қўлламоқда. Ўқувчи билан юзма-юз ва онлайн мулоқот, турли танловлар, шоир-ёзувчилар билан онлайн учрашувлар, энг яхши китоблар тартиботи ва тақдирларни каби воситалардан фойдаланиш шулар жумласидан.

Шу ўринда кутубхонамизда ташкил қилинган “Ижодкор болалар” онлайн ва офлайн адабий тўғараги фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Тўғарак очилгандан бўён ёш иқтидорларни китоб мутлоасига жалб этиш, бадий ижод намуналарини муҳокама қилиш, уларга ижод жараёни ва сирларини ўргатиш мақсадида доимий машғулотлар ўтказиб келинади. Тўғаракнинг 700 дан ортиқ аъзоси ўртасида “Иншолар танлови”, “Мушоира кечаеси”, “Илмининг энг истеъдодли ёш шоири”, “Ҳафтининг энг яхши китобсеввар билимдони”, “Энг истеъдодли китобхон”, “Асарларга тақриз” каби қатор танлов ва викториналар мунтазам ўтказиб келинаётгани катта самара берапти. Энг асосийси, тўғарак аъзоларини ижодкорликка даъват этиш, ижодий ишларни рағбатлантириш уларни китоб мутлоасига қизиқтиришда муҳим роль ўйнапти.

Бугунга келиб, бутун дунёда инсон онги ва қалби тарбияси масаласига аънавий кутубхоналар билан бирга электрон кутубхоналар ҳам хизмат қилмоқда. Жумладан, Республика болалар кутубхонаси томонидан болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида жаҳон ва ўзбек адабиёти дурдоналаридан сараланган адабиётларнинг электрон ҳамда аудио шакли Klib.uz платформаси орқали тақдим қилиб келинмоқда. Ушбу илопада 3200 та электрон ҳамда 1052 дан зиёд аудиокитобни бепул тинглаш мумкин.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

**МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси**

Тахририятга келган қўлёзмагар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун бўягани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютеризацияда саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-846.
43690 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод Ғаффоров
Мусахҳис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33

Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz

Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ЎА якуни — 21:40 Топширилди — 23:30